# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 79 (8.814) ◆ 1996 йил ◆ 5 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда


# ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИНГ



Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида XXVI ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди. 4 июль куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу нуфузли мусобақага йўл олаётган мамлакатимиз спорт делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Президент анжуман қатнашчиларини қутлаб, спортчиларимизнинг мустақил давлат вакиллари сифатида олимпиада ўйинларида қатнашиши муҳим воқеа эканини таъкидлади. Зеро, спорт соҳасидаги ҳар бир ғалаба мамлакатнинг жаҳон миқёсида нуфузи ошишига хизмат қилади, ёшлар ўртасида спортнинг оммалашувига, буюк давлат асоси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш ишига кўмаклашади. Ислом Каримов бу йўлда олис Америка заминида ўтказиладиган улкан мусобақа қатнашчиларига сабот, яхши кайфият ва сўнмас ирода ёр бўлишини тилади.

Қабул маросимида спортчиларга эсдалик совғалари топширилди. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси раиси С. Рўзиев, спорт фахрийси Р. Салимова, боксчи Н. Отаев, дзюдочи А. Мухторов мамлакатимизда спортчиларга яратилаётган шарт-шароит, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президент Ислом Каримовга, республика ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар. Олимпиада ўйинларидан ғалаба билан қайтиш, Ватанимиз қудратини яна бир бор намойиш этиш учун бор куч ва маҳоратларини сафарбар этажакларини баён қилдилар.

Учрашувда республика Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз спортчилар, қадрдон ўғлонларим ва қизларим!

Ҳурматли мураббийлар!

Сизлар — халқимизнинг фахру ифтихори бўлган спортчилар билан улкан сафарингиз олдидан учрашмоқдамиз. Бу бежиз эмас. Чунки, эл-юртимиз шаъни, Ватан обрўйи яна бир бор синовдан ўтадиган пайтда бутун мамлакатимиз аҳли сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир. Чунки сизнинг қиёфангизда бутун миллат ва мамлакат ғурури, келажаги, унинг буюк истиқболини кўрамиз.

Мен бугун сизлар билан нафақат Президент сифатида, балки муқаддас анъаналарга, бой тарихга, беқиёс маънавий қудратга эга бўлган халқимизнинг мўътабар Ўзбекистон заминида яшаётган ва ҳаётнинг машаққатли синовларини кўрган катта авлод вакили сифатида учрашаяпман. Бугун халқимизнинг эътибори ҳақли равишда сиз азиз фарзандларимизга қаратилган.

Мен ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиман.

Сизларнинг Атлантага сафарингиз, олимпия ўйинларида иштирок этишингиз ўзи кифоя. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ўзбекистонлик учун катта фахр ва ифтихордир.

Нега деганда, сизлар биринчи марта бундай йирик халқаро спорт беллашувларида, ёш, мустақил, кучга кираётган Ўзбекистон давлати номидан иштирок этяпсизлар. Жаҳоннинг энг кучли, ман-ман деган спортчилари билан майдонга тушаяпсизлар.

Шунинг учун ҳам сизлардан биринчи ва асосий илтимосим: қандай гўзал ва бетакрор Ватан, қандай мард ва танти халқ, эл-юрт номидан беллашув майдонига чиқаётганингизни ҳеч қачон, ҳар қандай пайтда унутмасангиз бўлди.

Иккинчидан, сиз қадрли ўғил-қизларимизга, айтадиган гапим шуки, биз ҳаммамиз, бутун эл-юртимиз, катта-ю кичик, кексаю ёш катта ҳаяжон, катта орзу-умид билан доим ортингизда бўламиз.

Беллашаётган вақтингизда, энг оғир, энг мураккаб чоғда, сизга куч ва ирода бағишлаб, мардлик ва шижоатга чорловчи муқаддас заминимиз, не-не полвонлару, афсонавий паҳлавонлар юрти-файзи ва улуғ боболаримиз пок руҳи мадад беражак, иншооллоҳ. Зотан, она халқ меҳр-муҳаббатидек қудратли куч, илоҳий қудрат оламда йўқ!

Яна бир нарсани алоҳида айтмасам, кўпчилик ишончини, юрагимизнинг туб-тубидан жой олган орзу-умидимизни билдирмасам бўлмайди, албатта: агар АҚШ заминида бирон бир марта Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилса, узоқ Америкада Ўзбекистон мадҳияси янграса, билиб қўйинг: бутун халқимиз сиз билан бирга ғалаба нашидасини суради. Бутун аждодларимиз руҳи ҳам сиздан шод бўлажак!

Сизларга улкан сафар олдидан бутун халқимиз номидан оқ йўл тилар эканман, сафарингиз бехатар бўлсин, елкангиз ер кўрмасин, улуғ Ватанимиз ва буюк халқимиз бахтига соғ-саломат бўлинглар, дейман.

Эл-юртингизга, ота-она бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизга тилакдошман.

# АТЛАНТАГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

Бугун эрталаб «Тошкент-2» халқаро аэропорти жуда гавжум бўлди.

Ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган спортчиларимизнинг биринчи гуруҳи бу ердан АҚШнинг Атланта шаҳрига йўл олишди. Бу гуруҳга курашчилар, теннисчилар, қиличбозлар, сузувчилар, боксчилар, гимнастикачилар, қайиқ эшувчилар, енгил атлетикачилардан иборат 38 энг иқтидорли спортчимиз ҳамда уларнинг устозлари кирди.

Спортчиларимизни кузатгани келган Миллий олимпиа қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари уларга жаҳоннинг энг нуфузли мусобақаларида омад ва муваффақият тиладилар.

Ўзбекистон олимпиадачилари кеча давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан учрашувдан қувонч ва ҳаяжонларини яшира олмас эдилар. Улар Президентимизнинг ўзларига билдирган ишончини оқлаб, АҚШ заминида Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга астойдил ҳаракат қилишларини билдирдилар.





*СУРАТДА: Ўзбекистон олимпиадачиларининг биринчи гуруҳи Атлантага йўл олмоқда.*

*Рустам Шарипов сурати.*

*Ижтимоий адолат—амалда*

# ОМОНАТЧИЛАР: ДАВЛАТИМИЗГА, ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА РАҲМАТ!

***Республикамизда бозор иқтисодига ўтиш шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш Президентимиз ва ҳукуматимиз сиёсатининг асосий йўналишидир. «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида» ўтган йил 20 декабрда қабул қилинган Президент Фармони ва шу асосда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» шу йил 12 февралда қабул қилинган қарори бунинг амалий ифодаси бўлди. Мавжуд ҳамма қийинчиликларга қарамай мустақил давлатимиз собиқ Иттифоқ қарзини ҳам зиммасига олди, ижтимоий адолатни тиклади. Бу Ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи бўлиб амалга оширила бошланди.***

***Шу кунларда Тошкент шаҳар Халқ банкининг барча бўлимлари омонатчилар билан гавжум. 1 июлдан бошлаб индексация китобчалари бўлган омонатчиларга фоиз пуллари тўланмоқда. Шу муносабат билан бу тадбир ҳақида мутасаддилар ва ҳамшаҳарларимизнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз:***



● **Давлатназар САЪДУЛЛАЕВ, Мирзо Улуғбек туманидаги 3628-халқ банки бошқарувчиси:**

—Туманимизда ҳаммаси бўлиб 48 та бўлим мавжуд. Улардан 20 тасида индексацияга тушган омонатлар бор. Индексацияга тушадиган 189 минг 662 омонатчидан 97 мингга яқини ўз омонатларининг индексацияланган ҳисоб дафтарчаларини олишганди. Давлат суғуртаси бўйича эса 2 мингтага яқин жамғарма дафтарчалари ёзиб берилди.

1 июлдан бошлаб барча бўлимларимизда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги 54-сонли қарори асосида индексация ҳисоб дафтарчасига эга бўлган барча омонатчиларга индексацияланган омонатнинг ўн фоизи миқдорида пул тўлана бошланди.

Мижозларимиз индексация тўловларини бемалол олишлари учун барча бўлимларда тегишли шароитлар яратилди. Чунончи қўшимча ишчи ўринлари ва ойналар ташкил этилди. Муомала бўлимларида керакли маслаҳат ва маълумотни берувчи маълумотнома бурчаклари бор. Чунки омонатчиларнинг кўпчилиги қариялардир. Шунинг учун уларга тегишли маслаҳат бера оладиган малакали ходимлар ажратилган. Кассалар иш вақти эса чекланмаган. Келган мижозни қайтариб юборишга асло йўл қўйилмайди.

Ҳар куни деярли 2—2 мингдан ортиқ омонатчига хизмат кўрсатиляпти ва уларга бир кунда 3 миллион сўмдан пул тўланяпти. 3 июлгача 5 минг 650 омонатчига хизмат кўрсатилиб, 10 миллион сўмга яқин пул тўланди.

Шу нарса диққатга сазоворки, кўпчилик омонатчилар олган пулларини қисқа муддатда кўп даромад берадиган омонат турларига—чунончи 4 фоиз бериб, ўсиб борадиган «Рағбат омонат», «Омад» ютуқли омонат турларига ўзлари, фарзандлари, набиралари номига ўтказишяпти.

● **Муяссар ЖАЛИЛОВА:** Халқимизда «болани бешикка сол, молини сандиққа», деган нақл бор. Рўзғордан орттирган пулларимни ҳадемай болаларим катта бўлиб қолса орзу-ҳавасимга яратарман деган умидда кассага қўйган эдим. Собиқ Иттифоқ тугагач, бу пулларнинг йўққа чиққани очиғи менга жуда алам қилувди.

Президентимиз адолатни тиклаш учун эски омонатларни индексациялаш ҳақида Фармон бергани омонатчиларни беҳад қувонтирди. Бугун индексацияланган жамғармам ҳисобидан 2,5 минг сўм пул олдим. Бола-чақали одамга ҳарна-да. Бу пул анча каму кўстимга ярайди. Бунинг учун ҳукуматимиз ва Президентимизга минг раҳмат.

● **Надежда БЕЛИКОВА:** Яхши ният билан мен ҳам бундан бир неча йил аввал кассага пул қўйгандим. Ўша жамғармам индексация қилингандан сўнг 20 минг сўм бўлди. Бугун мен 10 фоиз ҳисобидан 2 минг сўм олдим. Назаримда бу пулни менга биров ҳадя қилгандек туюляпти. Ҳукуматимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлигидан бошим осмонга етди.

● **Мақсуд ИЛЁСОВ:** Учта жамғарма китобчам индексацияланган эди. Шулар ҳисобидан олган пулларимни йилига 85 фоиз берадиган қисқа муддатли депозитга ўтказдим...

**4 июлгача шаҳримиз бўйича индексация тўловлари юзасидан Халқ банки томонидан 29 минг 536 кишига хизмат кўрсатилиб, уларга 53 миллион 354,4 минг сўм пул тўланди.**

Мавлуда МИРЗАЕВА

***СУРАТДА:** Акмал Икромов туманидаги 82/97-халқ банкида омонатчиларга фоиз пуллари тўланаётган пайт.*

***Рашид Галиев олган сурат.***

# ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги киновидео акционерлик компаниясининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳар маданият ишлари бўйича бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Абдурасул Абдуғаниев Тошкент киновидео акционерлик компанияси раиси этиб сайланди.

Таъсис йиғилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов, «Ўзбеккино» компаниясининг раиси Темурмалик Юнусов иштирок этдилар.

*Биринчи саҳифадан сўз*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Сўнгги икки ҳафта сиёсий воқеаларга шу қадар бой бўлдики, уларнинг кўлами, моҳияти, аҳамиятини тўла идроқ этиш учун муайян вақт керакка ўхшайди. Газеталар, телевидение ва радио, бошқа ахборот манбалари хабарларига асосланган илк таассуротларимиз эса Президентимиз Ислом Каримовнинг Италияда бўлиб, мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан алоқаларини ҳуқуқий негизга қўйганлиги, Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи навқирон мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга хизмат қилди, деган хулоса чиқаришимизга имкон беради.

XXI аср бўсағасидаги бугунги дунёда давлатнинг қудратини белгиловчи мезонлар ўзгаряпти. Мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти жуда катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Аммо маърифатпарвар дунёда халқаро муносабатларда ҳар бир давлатнинг имиджи тобора юқори ўринга қўйилмоқда.

Имидж инглизча сўз бўлиб, таржимада тимсол, кўриниш, қиёфа, тасаввур маъноларини англатади. Сиёсатда давлат имиджи дейилганда шу мамлакатнинг сиёсий қарашлари, асосий тамойиллари, халқаро масалалар ва умуминсоний қадриятларга муносабатлари тушунилади. Лекин бу масалада ушбу тамойилларнинг оддий овоза қилиниши эмас, балки уларга кундалик ҳаётда амал қилиниши тарози босади.

Флоренцияда Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги шартномани имзолаган экан, бу қитъа ҳамжамиятининг мамлакатимизнинг демократия йўлидан бораётганлигини, инсоннинг бутун маърифатпарвар дунё томонидан тан олинган асосий ҳуқуқларини таъминлашга интилишини эътироф этганлиги далолатидир. Бу аҳдлашувнинг иқтисодий жиҳатлари — бизнинг энг нуфузли Европа бозорига чиқишимиз, ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришимиз, иқтисодиётимизга хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этишимиз имкониятлари нақадар муҳим бўлмасин, кўҳна дунё деб аталувчи бу қитъа ташкилотининг Ўзбекистондаги демократик ўзгартиришларга ишончи улкан аҳамиятга эгадир.

Шу жиҳатдан Президентимизнинг Италиядан сўнг АҚШга ташрифи давомида Америка Ўзбекистонни кашф этди, дейиш мумкин. Бу ўз вақтида уммон ортидаги қитъанинг очилишига ишора сифатидаги жимжимадор ўхшатма эмас. Собиқ Иттифоқ парчалангандан сўнг шўролар салтанати вайроналари ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар Ғарб томонидан ўз ўлчовлари билан ўлчана бошланди. Янги уйни қурмасдан эскисини бузишга шошилмаган, ислоҳотларни пухта ўйлаб, собитқадамлик билан амалга оширишдан иборат ўз тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонга турли ёрлиқлар ёпиштирилгани ҳам маълум.

Вақт олий ҳакам эканлиги мамлакатимиз мисолида яна бир бор ўз ифодасини топяпти. У ва фақат у ҳамма нарсани жой-жойига қўймоқда. АҚШ унинг Президенти Билл Клинтон тимсолида давлатимизнинг Марказий Осиё минтақасидаги ҳал қилувчи ўрнини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон билан жуда кенг соҳалар бўйича алоқаларни ривожлантириш ниятини билдирди. Шу билан бирга стратегик шериклик ҳақидаги гаплар ҳам айтилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича «Хьюман райтс вотч» халқаро ташкилоти ҳам, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлари бўйича бюроси ҳам бирдай Ўзбекистонда демократик тамойиллар қарор топаётганлигини таъкидладилар.

Мустақиллигининг энди бешинчи йилида гуманитар соҳаларда шу қадар катта қадамлар қўйган мамлакатимиз америкаликларда чинакамига қизиқиш уйғотган бўлса, Президентимиз билан беш кун давомида бир неча бор учрашган АҚШнинг амалий доиралари иқтисодий ҳамкорлик учун Ўзбекистонни туб маънода кашф этдилар. Буни ташриф давомида имзоланган шартномалар исботлаб турибди.

АҚШнинг Хорижий хусусий сармоялар корпорацияси — ОПИК бугунги кунгача Ўзбекистон иқтисодиётига 200 миллион доллар миқдорида сармоя жалб қилган эди. Энди эса унинг ёрдамида 400 миллион доллар мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришга сарфланади. Бундан ташқари ОПИК кўмагида фаолият кўрсатаётган, 1,2 миллиард доллар маблағга эга 6 та жамғарма Ўзбекистон ва Ҳамдўстлик бошқа республикалари иқтисодиётига сармоя қўйиш ниятида.

Техас штатидаги Хьюстон шаҳрида имзоланган аҳдлашувни ҳеч муболағасиз тарихий, деб баҳолашга ҳамма асослар бор. Бу кенг қамровли лойиҳага кўра АҚШнинг етакчи фирма ва компаниялари республикамиздаги 200 мингта енгил ва юк автомобили, автобусларни суюлтирилган газда ишлашга ўтказишда иштирок этадилар. Ушбу ҳамкорлик нефтни тежашдан катта иқтисодий самара келтириши билан бир қаторда ўлкамиз атроф муҳитини яхшилашда беқиёс аҳамиятга эга бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг Италияга ва АҚШга ташрифлари якунларини нафақат бугунги кунга, балки келажакка қаратилганлигини айтиш керак. Суюлтирилган газда ишлайдиган транспорт воситалари ҳавомизни деярли булғатмайди, демак бизнинг ҳам, фарзандларимизнинг ҳам яшаш муҳитлари яхшиланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ўзаро манфаатли асосларда халқ хўжалигимизга ҳозир жуда зарур сармояларни жалб этибгина қолмайди. Корхоналаримиз, қишлоқ хўжалигимизга энг янги, энг замонавий технологиялар ҳам кириб келади. Биргина мисол. Ғалла мустақиллиги йўлига ўтган республикамизда асосан «Енисей» комбайнлари ишлатиб келинган. Американинг «Кейс» комбайнлари эса улардан ўн баравар унумлироқ экан.

Демак, улардан фойдаланилса, дон айни пишиб етилган пайтда тезда уни ўриб-йиғиб олиш учун ўнта комбайн ўрнига далага биттасини чиқариш кифоя қилади.

Бизнинг тараққий этган давлатлар билан ҳамкорлигимиз самаралари кун сайин тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. Яна бир неча кундан сўнг Асакадаги Жанубий Корея билан ҳамкорликда қурилган завод конвейеридан енгил автомобиллар туша бошлайди. Шу муносабат билан АҚШ иқтисодиётини биринчи навбатда автомобиль саноати оёққа турғазганлигини ёдга олиш ўринли. Ўзбек автомобили жаҳон бозорига дадил кириб бориши билан халқ хўжалигимиз жуда кўп тармоқларини замонавий техника, технология, ишлаб чиқариш маданияти асосида халқаро андозаларга тенглаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Атиги беш йил муқаддам дунё харитасида номи ҳам кўрсатилмайдиган Ўзбекистон бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрни, қатъий ва изчил нуқтаи назари, ўз овозига эга бўлганлигидан шу Ватан фуқароси сифатида фахрланасан ва мағрурланасан киши. Ахир АҚШдек буюк давлат ҳам Ўзбекистоннинг минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, айниқса Тожикистон ва Афғонистондаги можароларни ҳал этишга қаратилган тинчлик таклифларига муқобили йўқлигини эътироф этди-ку! Кечагина мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган Хитой раҳбари Цзян Цзэмин ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади ва юксак баҳолади.

Улкан нарсалар олисроқдан яхшироқ тасаввур этилади, деган гап бор. Давлатимиз раҳбарининг Европа Иттифоқи ва АҚШ билан музокаралари якунларининг беқиёс аҳамияти вақт ўтиши билан янада равшанроқ англаниши шубҳасиздир. Бироқ бугуноқ уларни оламшумул, дейишга тўлиқ асослар бор.

Эркин ЭРНАЗАРОВ.

*Акс садо*

# ТАРИХИЙ ВОҚЕА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи ҳамда Италияда Европа Иттифоқи билан имзоланган аҳдлашувлар кўплаб ҳамшаҳарларимиз томонидан якдиллик билан улкан тарихий воқеа, деб баҳоланмоқда.***

**Шоакбар ШОРАҲМЕДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти профессори:**

— Республикамиз мустақилликка эришганига бор-йўғи беш йил тўлмоқда. Лекин ана шу тарих учун жуда қисқа фурсатда мамлакатимиз ҳаётида ўз миқёси жиҳатидан асрларга татигулик ўзгаришлар, муҳим воқеалар рўй беряпти. Энг муҳими, Ўзбекистон дунё сари юз тутмоқда, Жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашида — юксак анжуманда имзоланиши катта воқеадир. Бу эса Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар Президентимиз таъкидлаганидек, янги ҳал қилувчи босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Демак, Европа Иттифоқи мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди. Бу эса келгусида ўлкамизда ислоҳотлар жараёнининг тезлашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Тамара ШОЮСУПОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ходими:**

— Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга амалий ташрифи муваффақиятли якунланганлиги барчамизни беҳад мамнун қилди. Билл Клинтоннинг АҚШ Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва ривожланишидан ҳар томонлама манфаатдорлигини таъкидлаб, АҚШнинг бизнинг мамлакатимиздаги ўзгартишларни қўллаб-қувватлашини билдиргани қувонарли ҳолдир.

Иқтисодий ва сиёсий барқарорлик демократик ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ва уни кенгайтира бориш учун ҳам шароит яратяпти. Ана шу жараёнларнинг чуқурлашуви, мамлакатимиз ислоҳотларни амалга оширишда эришган дастлабки ютуқлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида асосий омил бўлмоқда.

Президентимизнинг АҚШга ташрифи ва унинг якунлари шундан далолат беряптики, турли фирмалар, хусусий корхоналар билан ўзаро манфаатли алоқалар кенгайиб боради. Бу эса шубҳасиз мамлакатимизда халқ фаровонлигини юксалтиришга, туб иқтисодий ислоҳотларни янада жадалроқ амалга оширишга ёрдам беради.

# БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин мамлакатимизга ташрифининг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида, Олий Мажлисда, Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамиятида бўлди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида қўшма декларация, шунингдек, икки мамлакат ўртасида даромадлардан икки ёқлама солиқ олмаслик, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

❑ Вазирлар Маҳкамаси «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилди.

❑ Вазирлар Маҳкамасининг 2 июлда қабул қилинган фармойишига кўра республика кимё саноатида қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан хорижий инвесторларни жалб этиш ишларини фаоллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

❑ Президент девони Ахборот марказида шарҳловчи журналистлар «Ўзавтосаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Қ.Парпиев билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

❑ Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб 4 гектарлик боғ ва гулзор барпо этилмоқда.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Борис Ельцин иккинчи муддатга Россия Президентлигига сайланди. Дастлабки маълумотларга кўра 3 июль куни бўлиб ўтган сайловларда унинг номзоди учун сайловда иштирок этганларнинг 53,7 фоизи, Россия коммунистлари етакчиси Геннадий Зюганов номзоди учун 40,4 фоизи овоз берган. Сайловчиларнинг 4,9 фоизи ҳар икки номзодга қарши овоз бердилар.

❑ Қирғизистонга расмий ташрифини ниҳоясига етказган Хитой Халқ Республикасининг Раиси Цзян Цзэмин Қозоғистонга келди.

❑ Украинада тўловлардаги муаммолар сабабли иш ташлаётган кўмир конлари сони кўпаймоқда. Ҳозир Донецкда 30 та, Луганскда 20 та кўмир кони меҳнат жамоаси иш ташлаган.

❑ Озарбайжонда спирт ичимликлари ва тамаки учун акциз солиғи миқдори 35-70 фоизга оширилди. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қилинди.

❑ Элистада шахмат бўйича жаҳон биринчилигида 15 учрашувдан сўнг ҳисоб Анатолий Карпов фойдасига 9,5:5,5 бўлди. Унга жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолиш учун америкалик Гата Камский билан қолган беш учрашувда яна 1 очко олиши кифоя.

## ХОРИЖДА

❑ 1 июлдан Ирландия Европа Иттифоқига раислик қила бошлади. У қитъадаги 15 мамлакатни бирлаштирган Европа Иттифоқига шу йил охиригача раҳбарлик қилади. Бунгача қитъа ҳамжамиятига Италия раислик қилаётган эди.

❑ Доминикан Республикасида бўлиб ўтган сайловларда АҚШда вояга етган, Либерал партия етакчиси, ҳуқуқшунос Леонел Фернандес мамлакат Президенти этиб сайланди. У давлат раҳбари лавозимини қонунга мувофиқ 16 августда эгаллайди.

❑ Туркия Президенти Сулаймон Демирэл мамлакатнинг янги тарихида биринчи марта диний партия етакчиси Нежметтин Эрбакон бошчилигидаги ҳукумат таркибини тасдиқлади. Нежметтин Эрбакон аввалги Бош вазир, Тўғри йўл партиясининг етакчиси Тансу Чиллер хоним билан биргаликда коалицион ҳукумат тузди.

❑ АҚШ қурол-яроғ сотишда жаҳонда мутлақ пешқадамликни қўлга олди. Америка 1994 йилда чет элларга 12,4 миллиард долларлик қурол-яроғ сотди. Бу жаҳонда қурол-яроғ экспортининг 56 фоиздан ҳам кўпроғини ташкил этади. Қурол-яроғ сотишда жаҳонда Буюк Британия иккинчи, Россия эса учинчи ўринда турибди.

❑ Ўн ҳафта давом этган музокаралардан сўнг Буюк Британия тахтининг вориси шаҳзода Чарльз рафиқаси Диана билан ажралиш масаласини ҳал қилганга ўхшайди. Агар Диана шаҳзода шартларига кўнса, бунинг эвазига 15-20 миллион фунт стерлинг миқдорида пул олади.

